

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ, ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖА БЕРУВЧИ
DSc 27.06.2017.К/В/Т.37.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ

ХАЛИЛОВ РАВШАНЖОН МУРАТДЖАНОВИЧ

***FABACEAE* ВА *APIACEAE* ОИЛАСИГА МАНСУБ ЎСИМЛИК
ТУРЛАРИДАН ФЛАВОНОИДЛАР ВА ТЕРПЕНОИДЛАР
АСОСИДА ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИНГ СУБСТАНЦИЯЛАРИНИ
ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.10 – Биоорганик кимё

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

**Техника фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
по техническим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctoral dissertation (DSc)
on technical science**

Халилов Равшанжон Муратджанович

Fabaceae ва *Apiaceae* оиласига мансуб ўсимлик турларидан
флавоноидлар ва терпеноидлар асосида дори воситаларининг
субстанцияларини олиш технологиялари 3

Халилов Равшанжон Муратджанович

Разработка технологий производства субстанций препаратов на основе
флавоноидов и терпеноидов из растений видов семейств *Fabaceae* и
Apiaceae 29

Khalilov Ravshanjon Muratdjanovich

Development of technologies for manufacture of drug substances based on
flavonoids and therpenoids from the plants of *Fabaceae* and *Apiaceae* family 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 59

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ, ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖА БЕРУВЧИ
DSc 27.06.2017.К/В/Т.37.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ

ХАЛИЛОВ РАВШАНЖОН МУРАТДЖАНОВИЧ

***FABACEAE* ВА *APIACEAE* ОИЛАСИГА МАНСУБ ЎСИМЛИК
ТУРЛАРИДАН ФЛАВОНОИДЛАР ВА ТЕРПЕНОИДЛАР
АСОСИДА ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИНГ СУБСТАНЦИЯЛАРИНИ
ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

02.00.10 – Биоорганик кимё

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.DSc/K198 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Ўсимлик моддалари кимёси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (<http://ss.biochem.uz>) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Маматханов Ахматхон Умарханович техника фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Сагдуллаев Баходир Тахирович техника фанлари доктори Кариева Ёкут Саидкаримовна фармацевтика фанлари доктори, профессор Гафуров Махмуджан Бакиевич кимё фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий-тадқиқот институти

Диссертация химояси Биоорганик кимё институти, Ўзбекистон миллий университети, Ўсимлик моддалари кимёси институти ҳузуридаги DSc 27.06.2017. К/В/Т.37.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 83. Тел. 262 35 40, факс (99871) 262 70 63, e-mail: asrarov54@mail.ru).

Диссертация билан Биоорганик кимё институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 83. Тел. 262 35 40, факс (99871) 262 70 63)

Диссертация автореферати 2018 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Ш.И. Салихов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, б.ф.д., академик

М.И. Асраров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.д., профессор

А.А. Ахунов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
б.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бугунги кунда дунёда ўсимликлар ёрдамида даволашга бўлган талабнинг ортиши бежизга эмас, чунки ўсимлик хом ашёсидан олинган биологик фаол моддалар синтетик дори воситаларига нисбатан бир қатор афзалликларга эга. Ўсимлик хом ашёлари таркибида организмни меъёрга ишлаши учун зарур бўлган табиий моддалар сақлайди. Шунинг учун янги биологик фаол моддаларни ишлаб чиқаришни амалиётга тадбиқ қилиш ва тайёр маҳсулотнинг сифати ва биологик самарадорлигини яхшилаш мақсадида мавжуд технологияларни илмий жихатдан ёндошган ҳолда такомиллаштириш, фармацевтика саноатининг муҳим вазифаларидан биридир.

Ҳозирги кунда жаҳонда флавоноид ва сесквитерпен спиртларининг мураккаб эфирларини ажратиб олиш, уларнинг биологик фаоллигини аниқлаш ҳамда стандартланган дори воситаларини яратиш ва амалиётга жорий этиш долзарб муаммолардан биридир. Шу сабабли Ўзбекистон ҳудудида ўсувчи *Pseudosophora alopecuroides*, *Ammothamnus Lehmannii*, *Ferula varia*, *Ferula tenuisecta* ўсимликларидан янги дори воситалари ва емга қўшимчаларни олиш технологияларини ишлаб чиқиш ва стандартлаш фармацевтика саноати, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги тармоқларида муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда аҳолини маҳаллий фармацевтика маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилди, жумладан Ўсимлик моддалари кимёси институти олимлари томонидан Ўзбекистон ҳудудида ўсувчи ўсимликлар асосида «Тефэстрол», «Экдистен», «Олигвон», «Галантамин», «Катацин» каби дори воситалари яратилган. Такидлаш керакки, мазкур ютуқларга қарамай Республикамизда ишлаб чиқарилаётган дори воситалари субстанцияларининг аксарияти импорт ҳисобига тўғри келмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 4 йўналишида фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминланишини яхшилаш юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада маҳаллий хом ашёлар асосида фаоллиги чет эл аналогларидан қолишмайдаган янги дори воситаларни яратиш ҳисобига аҳолини арзон фармацевтика маҳсулотларига бўлган ихтиёжини қондириш муҳим вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 16 сентябрдаги ПҚ-2595-сон «2016-2020 йилларда республика фармацевтика саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Қарори ва 2017 йил 7 февралда ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Президент Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи¹. Флавоноидлар ва сесквитерпен спиртларининг мураккаб эфирларини кимёвий тадқиқи, уларнинг биологик фаоллигини аниқлаш ҳамда улар асосида яратилган янги дори воситаларини ишлаб чиқаришни фармацевтика саноати ва тиббиёт соҳасидаги талабларга мос равишда ташкиллаштиришга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Institute of Pharmaceutical Sciences the University of Mississippi (АҚШ), Institute Jean-Pierre Bourgin (Франция), Faculty of Pharmaceutical Sciences the University of Tokushima (Япония), Xinjiang Technical Institute of Physics and Chemistry (Хитой), Chungnam National University, Pusan National University (Корея), Сургут давлат университети (Россия) олиб бормокда.

Флавоноид ва сесквитерпен спиртларининг мураккаб эфирларини фитокимёвий изланишларга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: ўсимлик хом ашёсидан флавоноидлар ажратиб олинган ва структуралари исботланган (Institute of Pharmaceutical Sciences the University of Mississippi, АҚШ); флавоноидлар асосидаги препаратларни стандартлаш усуллари ишлаб чиқилган (Сургут давлат университети, Россия); сесквитерпен спиртларининг мураккаб эфирларининг кимёвий ва биологик ҳоссалари аниқланган (University of Tokushima, Япония); флавоноид ва сесквитерпен спиртининг мураккаб эфири асосида дори воситалари яратилган ва тиббиётга жорий этилган (Xinjiang Technical Institute of Physics and Chemistry, Хитой).

Дунёда флавоноидлар ва сесквитерпен спиртларининг мураккаб эфирлари асосида дори воситаларни яратиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмокда: ўсимлик хом ашёсидан олинган моддаларни биологик фаоллигини аниқлаш; биологик фаоллиги мавжуд моддалар асосида субстанцияларни ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадор технологияларини яратиш; мавжуд технологик тизимларни такомиллаштириш; олинаётган маҳсулотларни стандартлаш ва меъёрий техник хужжатлар тўпламини ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. *Fabaceae* ва *Ariaceae* оиласига мансуб ўсимлик турлари таркибидаги флавоноидлар ва терпеноидларнинг кимёвий тузилиши, физик ҳоссалари ва биологик фаоллигини тадқиқ этиш ҳамдаулар асосида янги дори воситаларни яратиш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.

¹Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.elsevier.com/locate/jethpharm, www.springerlink.com/content ва бошқа манбалар асосида шакллантирилган.

Хорижлик олимлар P.G. Macander, P.G. Pietta, J.Jr. Souza, M.M. Ferreira, S.Das, M.K. Basu, J.G. Diaz, B.M. Fraga, M.Miski, A.Ulubelen, T.J. Mebry, K.Tamemoto, Y.Takaishi, B.Chen, K.Kawazoe, H.Shibata, T.Higuti, G.Honda, Y.Takeda томонидан ўсимликлардан флаваноид ва сесквитерпен спиртларининг мураккаб эфирлари ажратиб олинган ва биологик фаоллиги аниқланган. Япониялик олимлар I. Munekazu, O. Masayoshi, T. Toshiyoki томонидан *Pseudosophora alopecuroides* ўсимлигидан алопекурон А, алопекурон В, алопекурон С, алопекурон D, алопекурон Е, алопекурон G, 21-гидрогигенистеин, Е виниферин флавоноидлари ажратилган ва структура тузилиши аниқланган. Цинарозиднинг гипогликемик ва гипополидемик фаолликлари мавжудлигини Кореялик олимлар Jae Sue Choi¹, Han Suk Young, Byung Woo Kim кўрсатиб ўтганлар.

МДХ мамлакатларида флавоноидлар ва сесквитерпен спиртларининг мураккаб эфирларини ажратиб олиш, биологик фаоллигини ўрганиш ва улар асосида дори воситаларини яратиш бўйича илмий тадқиқот ишлари А.С. Щекатихина, М.Н. Запрометов, Т.М.Власова, В.Г. Минаева Е.Г. Доркина, В.П. Куцрченко, В.В. Кугач, Г.Я. Мечикова, Т.А. Степанова, Н.И. Никульшина, В.И. Ищенко, А.И. Калиновский, Л.П. Пономаренко, В.А. Стоник, Н.В. Корожан, С.В. Серкероулар томонидан амалга оширилган.

Ўзбекистонда *Pseudosophora alopecuroides*, *Ammothamnus Lehmannii*, *Ferula varia*, *Ferula tenuisecta* ўсимликларининг кимёвий таркибини ўрганишда Э.Х. Батиров, М.П. Юлдашев, Г.К. Никонов, А.И. Саидходжаев, А.Ю. Кушмуродов, В.М. Маликов, Л.А. Головина, А.Ш. Кадиров, А.У.Бабеков, Б.М.Кенешов, С. Кучкаров, Ю.К. Кушмуродов, Х.А. Аслановлар, Н.Д. Абдуллаевларнинг хизматлари катта. Ажратиб олинган мазкур кимёвий моддаларнинг биологик фаоллигини аниқлашда В.Н. Сыров, Ф.Н. Джахангиров, А.Г. Курмуков, Х.С. Ахмедходжаева, Ж. Режепов, С.М. Юсупова ва улар асосида дори воситаларини олиш технологиялари ҳамда стандартлаш усулларини яратишда Ш.Ш. Сагдуллаев, А.У. Маматханов, Л.Д. Котенко ўзларининг катта ҳиссаларини қўшганлар.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўсимлик моддалари кимёси институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-10-101 «Простата безининг аденомаси ва ракини даволаш учун янги маҳаллий Ферулен фитовоситасини яратиш ва тиббиёт амалиётига кенг татбиқ этишга тайёрлаш» (2006-2008); А-10-145 «Жигарни ҳимояловчи флаворин ва азот миқдорини пасайтирувчи цинарозид воситаларининг саноат технологияларини ишлаб чиқиш. Клиник синовларини ўтказиш ва тадбиқ этиш» (2006-2008); ФА-А11-Т113 «Простата безининг аденомаси ва ракини даволаш учун Ферулен ҳамда маҳаллий *Ammothamnus Lehmannii* ва *Silene brahuica* ўсимликларидан жигарни ҳимояловчи ва қувват берувчи воситаларни ишлаб чиқиш» (2009-2011); ИБ-ФА-Т-009 «Ферулен субстанциясини ишлаб чиқаришини ташкиллаштириш» (2016-2017) мавзусидаги амалий ва инновацион лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади жигарни ҳимояловчи ва сафро хайдовчи «Фланорин», «Лемарин», гипоазотемик таъсирга эга «Цинарозид» субстанцияларини олиш технологияларини яратиш, антипростатик таъсирга эга «Ферулен» субстанциясини олиш технологиясини такомиллаштириш ҳамда паррандачиликда қўллаш учун озуқага қўшимчаларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқот объектларидан флаваноидлар ва мураккаб эфирлар йиғиндисини экстракцияси жараёнига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ҳамда экстракция жараёнини оптималлаштириш;

тадқиқот объектларидан олинган экстрактларни самарали тозалаш усуллари ишлаб чиқиш;

Pseudosophora alopecuroides илдизларидан «Фланорин», *Ammothamnus Lehmannii* илдизларидан «Лемарин» ва *Ferula varia* ер устки қисмидан «Цинарозид» воситаларининг субстанцияларни ишлаб чиқаришнинг саноат технологияларини яратиш ва амалиётга тадбиқ қилиш;

Ferula tenuisecta илдизларидан «Ферулен» субстанциясини ишлаб чиқаришнинг такомиллаштирилган технологиясини яратиш ва тиббиёт амалиётига тадбиқ этиш;

сесквитерпен спиртларининг мураккаб эфирлари асосида паррандаларнинг тухум қўйишини тезлаштирувчи «Рано-25», «Panoroot-50», «Panoroot-98» озуқага қўшимчаларини ишлаб чиқаришнинг саноат технологияларини яратиш ва амалиётга тадбиқ қилиш;

тадқиқ этилаётган ўсимликларнинг ер устки қисмидан фланорин, лемарин ва ферулен субстанцияларини олиш учун, сув-спиртли экстрактнинг яшил рангини йўқотиш усулини ишлаб чиқиш;

кашф этилган воситалар учун меъёрий-техник хужжатларни (вақтинчалик фармакопея мақолалари (ВФМ), тажриба - ишлаб чиқариш регламентлари, техникавий шартлар, технологик йўриқномалар) тузиш ва расмийлаштириш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўсувчи *Pseudosophora alopecuroides* L. (аччиқмия, эшакмия), *Ammothamnus Lehmannii* Bunge. (аччиқбўта), *Ferula varia* (Schrenk) Trautv. (шаир, сасиқ-курай), *Ferula tenuisecta* Eug. Kor. (шашир) доривор ўсимликлари.

Тадқиқотнинг предмети флаваноидлар ва мураккаб эфирлар йиғиндисини экстракцияси жараёнини ўрганиш ва оптималлаштириш ҳамда тадқиқот объектларидан олинган экстрактларни тозалашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда субстанцияларни олиш технологияларини ишлаб чиқиш учун қаттиқ – суюқ, суюқ – суюқ турдаги экстракциялар, чўктириш жараёнлари, хроматографик бўлиш, кристаллаш, қуриштириш каби технологик усуллар қўлланилган. Технологик босқичлардаги жараёнларни оптималлаш учун тажрибаларни математик режалаштиришнинг Бокс-Уильсон усули ва 3Х3 режали лотин квадратлар усули қўлланилган. Биологик фаол моддаларнинг унуми, кашф этилган субстанцияларнинг стандартлаш ва уларни ишлаб чиқариш назорати юпқа

катламли хроматография, юқори самарали суюқлик хроматографияси, спектрофотометрия ва титрлаш каби усуллар ёрдамида амалга оширилган.

Диссертация тадқиқотининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

флавоноидларга бой экстракт олиш имконини берувчи, аввал хомашёни ёт моддалардан тозалаш учун сув ёрдамида, сўнгра *Pseudosophora alopecuroides* илдизларидан флавоноидларни ажратиб олиш учун танланган экстрагент спирт билан кетма-кет экстракция қилиш усули ишлаб чиқилган;

суюқ – суюқ экстракция усулида экстрагентларнинг кутбилигини ўзгартириб маҳсулотларни қисмларга ажратиш ва сув-спиртли экстрактнинг яшил рангини йўқотиш имкониятлари исботланган;

Ammothamnus Lehmannii илдизларининг флавоноидлари асосидаги лемарин воситасининг субстанциясини олишнинг саноат технологияси яратилган;

юқори унум билан бир хил сифатга эга маҳсулот олиш имконини берувчи, *Ferula varia* ер устки қисмидан олинган экстрактни тозалаш ва цинарозид субстанциясини кристаллашнинг оптимал шароитлари аниқланган;

ферулен субстанциясини қисқартирилган технология асосида олиш учун сесквитерпен спиртларининг мураккаб эфирларини силикагелда хроматографик усулда тозалаш ва тўлдирувчи қўшиш билан қуриштириш талаблари аниқланган;

Ferula tenuisecta илдизларининг сесквитерпен спиртларининг мураккаб эфирлари асосида паррандаларнинг тухум қўйишини тезлаштирувчи «Pano-25», «Panoroot-50», «Panoroot-98» озукка қўшимчалари яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўсимлик моддалари кимёси институтининг ишлаб чиқариш корхонасида ишлаб чиқилган технологиялар асосида яратилган воситаларнинг субстанцияларини ишлаб чиқариш тизимлари ташкиллаштирилган ва меъёрий-техник хужжатларнинг талабларига жавоб берувчи 5 сериядаги маҳсулотларни олиш билан ишлаб чиқилган технологияларнинг ишончлилиги исботланган;

«Flanorin» субстанцияси, тайёр дори шакли «Flanorin tabletkalari 0,05 g» ва фланорин субстанциясининг хом ашёси «*Pseudosophora alopecuroides* ildizproya va ildizi bilan» вақтинча фармакопея мақолалари расмийлаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига топширилган ва клиник синовлари ўтказилган. Фланорин субстанциясини ишлаб чиқариш регламенти ишлаб чиқилган;

цинарозид субстанциясининг хом ашёси учун ВФС 42Уз-2894-2016 «*Ferula varia*», субстанция учун ВФС 42Уз-2895-2016 «*Sinarosid*» ва тайёр дори шакли учун ВФС 42Уз-2896-2016 «*Nefrosizin tabletkalari 0,05 g*» Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган;

15.04.2011 йилдаги ЦИЗД № 46/6. ПС/41. Уз. 2011/214 сонли клиник синовлар баённомаси асосида цинарозиднинг дори шаклининг (нефроцизин таблеткалари) клиник синовлари Республика нефрология илмий-амалий маркази, Республика эндокринология ихсослаштирилган илмий-амалий тиббий маркази, Шаҳар нефрология касалхонаси муваффақиятли ўтказилган;

ферулен субстанцияси учун ВФС 42Уз-2763-2015 «Ferulen» ва тайёр дори шакли учун ВФС 42Уз-2764-2015 «Ferulen tabletkalari 0,04 g» Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган;

ЎзР ССВ Фармакологик қўмита президиумининг 4.10.2012 йилдаги 16-сонли ва 26.02.2014 йилдаги 4-сонли қарорларига асосан ферулен дори воситасининг клиник синовлари Республика онкология илмий маркази ва Тошкент шаҳар онкологик диспансерида ўтказилган;

«Panoroot – 50» озуқага қўшимчаси учун Ts 03535440-016:2013 корхона стандарти ишлаб чиқилган ва «O'ZSTANDART AGENTLIGI» томонидан 112/000604 сон билан 07.11.2013 йилда рўйхатга олинган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Яратилган технологияларнинг ҳаққонийлиги Институтнинг тажриба ишлаб чиқариш корхонасида ташкиллаштирилган тизимларда субстанцияларни серияли ишлаб чиқариш билан исботланган ва субстанция намуналарининг сифати меъёрий-техник хужжатларини расмийлаштириш вақтида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «O'ZSTANDART AGENTLIGI»нинг аккредитланган лабораторияларида текширилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Натижаларнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, таъсир қилувчи моддалари органик эритувчиларда яхши эрийдиган воситаларнинг субстанцияларини ўсимликларнинг ер устки қисмларидан олиш вақтида сув-спиртли экстрактдаги яшил ранг берувчи моддалардан тозалаш мумкинлиги тажрибалар асосида исботланган. Диссертация иши натижалари биотехнология ҳамда фармацевтика соҳаларидаги флавоноидлар ва сесквитерпен спиртларининг мураккаб эфирларига оид ўқув ва илмий-тадқиқот ишларини такомиллаштириш билан изохланади.

Тадқиқот натижаларнинг амалий аҳамияти шундаки, жигарни химояловчи ва сафро хайдовчи – фланорин ва лемарин, гипоазотемик таъсирга эга – цинарозид янги дори воситалари яратилган ва тиббиёт амалиётида қўллаш учун таклиф этилган, ҳамда паррандаларнинг тухум қўйишини тезлаштирувчи Pano-25, Panoroot-50, Panoroot-98 озуқага қўшимчалари паррандачилик тармоғига тавсия этилган. Мазкур препаратларни Ўзбекистон ҳудудида ўсувчи ўсимлик хом ашёлари асосида яратилганлиги, Республикамизда дори воситаларини локализация қилиш дастурларини муайян даражада бажарилишига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот объектларидан субстанциялар олиш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Фланорин» субстанциясини олиш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (29.01.2010, № IAP 04077). Илмий тадқиқот натижаси жигар касалликларини даволаш учун янги дори воситасини яратиш имконини берган;

«Цинарозид» субстанциясини ишлаб чиқариш технологияси учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (31.12.2013, № IAP 04785). Натижада гипоазотемик таъсирга эга дориларни республикада локализация қилиш имконияти яратилган;

«Ферулен» препаратининг простата безининг аденомаси ва ракини даволаш хусусиятига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (30.05.2014, № IAP 04871). Илмий изланиш натижаси шу турдаги синтетик дори воситаларига нисбатан безарар бўлган табиий антипростатик дори воситасини яратиш имконини берган;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан «Ферулен», «Цинарозид» ва «Фланорин» дори воситаларини ишлаб чиқариш ва тиббиёт амалиётида қўллаш учун рухсат этилган («Ўзфармсаноат» АЖ томонидан 03.11.2017 йилдаги МД-06/3073 маълумотнома). Натижада мазкур препаратларнинг тайёр дори шакллари «NIKA PHARM» корхонасида ишлаб чиқариш имконини берган;

«Panoroot-50» озуқага қўшимчаси учун корхона стандарти ишлаб чиқилган ва «O'ZSTANDART AGENTLIGI» томонидан 112/000604-сон билан рўйхатга олинган (Ts 03535440 - 016:2013). Илмий тадқиқот натижасида паррандачилик соҳасида қўлланиладиган озуқага қўшимчаларни Франциянинг «LATOXAN» фирмасига экспорт қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 10 та халқаро ва 4 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманлар, ҳамда амалий ва инновацион лойиҳаларнинг ҳисоботларида маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 61 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фан доктори (DSc) диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 17 та, жумладан, 5 та халқаро журналларда, 3 та патент олинган, 5 та вақтинчалик фармакопёя мақолалари ва 1 та корхона стандарти расмий тасдиқланган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 199 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Флавоноидлар ва сесквитерпен спиртларининг мураккаб эфирларига шарҳ ва уларни олиш технологиялари**» деб номланган биринчи бобида флавоноидлар ва сесквитерпен спиртларининг мураккаб эфирларини умумий синфланиши, фармакологик таъсирлари ҳамда улар асосида яратилган дори воситалар ҳақидаги адабиётларда келтирилган маълумотлар баён этилган. Флавоноидлар ва сесквитерпен спиртларининг мураккаб эфирларини экстракция қилиш ва уларни тозалаш усуллари биологик фаол моддаларни олиш технологиялари мисолида муҳокама қилинган. Шунингдек тадқиқот объектлари ҳисобланган *Pseudosophora alopecuroides*, *Ammothamnus Lehmannii*, *Ferula varia*, *Ferula tenuisecta* ўсимликларининг тарқалиши, хом ашё захираси, устки кўриниши, кимёвий таркиби ва халқ табobatiда қўлланилиши ҳамда тадқиқотлар ўтказишда қўлланилган эритувчилар, реактивлар, материалларга оид маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «***Pseudosophora alopecuroides* илдизларидан фланорин субстанциясини олиш технологиясини ишлаб чиқиш**» деб номланган иккинчи бобида фланорин субстанциясини олиш технологияси бўйича тадқиқот натижалари муҳокама қилинган.

Фланорин – *Pseudosophora alopecuroides* илдизларидан олинадиган жигарни ҳимояловчи ва сафро ҳайдовчи дори воситаси бўлиб, унинг таъсир қилувчи моддалари вексипидин, вексипинол, аммотамнидин, глаброл, изобавахин, трифолиризин ва лютеолин флавоноидлари йиғиндисидан иборат.

Тажрибалар флавоноидлар йиғиндиси хом ашё оғирлигига нисбатан 3,0%-ни, лютеолин – 0,017%-ни ташкил қилган хом ашёларда олиб борилди.

Хом ашёни бойитиш. Аччиқмия илдизлари флавоноидлардан ташқари кўп миқдорда алкалоидлар, углеводлар ва бошқа сувда эрувчи моддалар сақлайди ва мазкур моддаларни сув билан экстракция қилиб хом ашёни тозалаб олинди. Шу сабабли сув билан экстракция жараёнида сувда эрувчи моддалар ва флавоноидлар йиғиндиси унумига ҳароратнинг таъсири ўрганилди (1-жадвал).

Ўрганилаётган флавоноидлар сувда эримайди, аммо 1-жадвалдаги натижалар шуни кўрсатмоқдаки, хона шароитида (20-30°C) олиб борилган экстракция вақтида ёт моддалар билан синергизм ҳисобига оз миқдорда бўлса ҳам ажралиб чиқади. Бироқ ҳароратнинг ортиши билан флавоноидлар ажралиб чиқиш ортади. Шунинг учун хона шароитидаги сув билан экстракция танлаб олинди.

1-жадвал**Аччиқмия илдизларидан сувли экстракция жараёнида сувда эрувчи моддалар ва флавоноидлар йиғиндиси унумига ҳароратнинг таъсири**

Экстракцияни олиб бориш ҳарорати, °С	Хом ашё оғирлигига нисбатан унум, %			Хом ашёда сақланишига нисбатан флавоноидлар йиғиндиси унуми, %
	сувда эрувчи моддалар	лютеолин	флавоноидлар йиғиндиси	
20-30	28,8	0,0007	0,123	4,1
30-40	30,1	0,0014	0,258	8,6
40-50	32,9	0,0021	0,366	12,2
50-60	35,4	0,0027	0,474	15,8

Сув билан экстракция динамикасини ўрганиш орқали, 4 та такрорий экстракцияда хом ашё оғирлигига нисбатан 25%-дан ортиқ сувда эрувчи моддалар чиқиши аниқланди. Бунда биринчи ва иккинчи фазалар таъсирида тиндириш вақти 4 соат, учинчисида – 3 соат ва тўртинчисида – 2 соатни ташкил қилди.

Аччиқмия илдизларидан флавоноидларнинг экстракцияси жараёни. Флавоноидлар йиғиндисини тозаланган хом ашёдан ажратиб олиш жараёнига таъсир қилувчи омиллар ўрганилди (2-жадвал).

2-жадвал**Аччиқмия илдизларини экстракциясига таъсир қилувчи омиллар**

Ўрганилаётган омиллар	Хом ашё оғирлигига нисбатан экстрактив моддалар унуми, %	Флавоноидлар йиғиндисининг унуми, %	
		бошланғич хом ашёда сақланишига нисбатан	тозаланган хом ашёда сақланишига нисбатан
Экстрагент танлаш			
Метанол	12,6	81,22	85,61
Этанол: 95%	12,2	80,97	85,26
90 %	12,4	80,16	84,21
80 %	13,2	76,41	80,35
70 %	13,8	72,65	76,49
60 %	14,6	68,78	72,28
Н-бутанол	8,2	71,48	75,09
Хлороформ	5,6	44,00	48,16
Хом ашё майдалик даражасини аниқлаш			
2 мм дан кичик	12,4	78,66	82,81
2 – 4 мм	12,3	80,20	84,21
4 – 6 мм	12,1	76,55	80,35
6 – 8 мм	11,8	72,52	76,14
майдаланмаган	11,4	69,79	73,33
Экстракция жараёнига ҳароратнинг таъсири			
20-30°C	10,90	80,17	84,20
30-40°C	12,30	81,25	85,64
40-50°C	15,40	81,72	85,96
50-60°C	16,60	81,98	86,28

90%-ли этил спирти ва метанолда экстракция қилинганда флавоноидлар йиғиндисининг унуми юқори бўлишини 2-жадвалда келтирилган натижаларда кузатилди, метанолнинг заҳарлилик хусусиятини ҳисобга олган ҳолда 90%-ли этил спирти танлаб олинди.

2-жадвалдан яна шуни кўриш мумкинки, майдаланмаган ва йирик майдаланган хом ашёларда жараён секин боради. Майдалик даражаси 2 мм дан кам бўлган хом ашёларда флавоноидлар тезроқ ажралиб чиқади, бироқ хом ашёни ўта зич жойлашганлиги учун экстрактни филтрлаш ўта қийинлашади. Самарали натижалар заррачалар ўлчами 2-4 мм бўлган хом ашёда олинди.

2-жадвалда келтирилган натижалар шуни кўрсатдики, экстракция ҳарорати 70 °С бўлганда, хом ашёдаги флавоноидлар унуми энг юқори бўлади, лекин олинган экстракт таркибида ёт моддалар ҳам юқори. Бу ҳолат эса флавоноидларни ажратиб олишни қийинлашади. Энг мақбули деб 20-40°С ҳароратда экстракция қилиш деб топилди.

Экстракция жараёнини оптималлаш. Аччиқмия илдизларидан флавоноидларни экстракциясига таъсир қилувчи омилларни баҳолаш учун Бокс – Уилсон усулида математик режалаштириш амалга оширилди. Бунда қуйидаги омиллар танлаб олинди: X_1 – хом ашёнинг майдалик даражаси (2, 4, 6 мм); X_2 – жараённинг бориш вақти (8, 6, 4 соат); X_3 – жараённинг бориш ҳарорати (50, 35, 20 °С); X_4 – спиртнинг концентрацияси (95, 90, 85 %); X_5 – экстрактор узунлигининг диаметрига нисбати (1:1, 1:2, 1:3).

Тажрибаларни 2^{5-2} кўринишдаги омилларнинг $X_4 = X_1X_2$ ва $X_5 = -X_1X_2X_3$ таъсири остида олиб борилди ва қуйидаги регрессия тенгламаси олинди:

$$Y = 30,1 + 4,24 X_1 + 7,9 X_2 - 0,4 X_3 + 4,5 X_4 + 0,56 X_5$$

Экстракция жараёнининг динамикаси. Ҳар бир фазалар таъсирининг мувозанатини аниқлаш учун флавоноидлар экстракциясининг динамикаси ўрганилди (3-жадвал).

3-жадвал

Вақт ўтиши билан флавоноидлар унуми

Хом ашёда сақланишига нисбатан флавоноидлар йиғиндисини унуми, %	Тиндириш вақти, соат						
	0,5	1	2	3	4	5	6
Биринчи фазалар таъсири	-	23,37	35,61	41,30	45,20	47,71	47,71
Иккинчи фазалар таъсири	-	12,71	19,00	21,98	23,55	23,55	
Учинчи фазалар таъсири	-	7,21	10,59	12,14	12,14		
Тўртинчи фазалар таъсири	-	4,61	6,62	6,62			
Бешинчи фазалар таъсири	1,60	3,60	3,60				

3-жадвалда келтирилган натижалар асосида фазаларнинг ўзаро таъсирида зарур бўлган тиндириш вақтлари, биринчисидан – 5 соат, иккинчисидан – 4 соат, учинчисидан – 3 соат, тўртинчисидан – 2 соат ва бешинчисидан – 1 соат деб белгиланди. Беш марта экстракция қилинганда унум 93% ни ташкил қилди.

Экстрактни тозалаш. Экстрактнинг куб қолдиғидан флавоноидлар йиғиндисини ажратиб олиш жараёни ўрганилганда, энг яхши натижалар хлороформ – метанол 1:1 ва хлороформ – изопропил спирти 1:1 аралашмаларида олинган (4-жадвал). Аммо экстракция вақтида метанолнинг сарфи юқори. Шу сабабли хлороформ – изопропил спирти 1:1 аралашмаси танлаб олинди. Мазкур жараённинг динамикаси ўрганилди ва куб қолдиқни хлороформ – изопропил спирти 1:1 аралашмасида камида олти марта экстракция қилиш лозим деб белгиланди.

**Аччиқмия илдизларидан экстрактнинг куб қолдиғидан
флавоноидлар йиғиндисини ажратиб олиш учун эритувчи танлаш**

Органик эритувчилар ва уларнинг аралашмалари	Хом ашё оғирлигига нисбатан флавоноидларнинг куруқ массаси унуми, %	Куруқ массада флавоноидлар йиғиндисининг улуши, %
Этилацетат	Смола ҳосил қилди	
Н-бутанол	Смола ҳосил қилди	
Хлороформ	2,88	26,32
Хлороформ - метанол 1:1	5,02	38,08
Хлороформ - метанол 1:2	4,49	31,29
Хлороформ – изопропанол 1:1	4,90	36,71
Хлороформ - изопропанол 1:2	4,30	34,10

Флавоноидларни чўктириш. Хлороформ – изопропил спирти аралашмаси ёрдамида олинган куруқ экстракт (техник фланорин), қуриштишга қийин учрайди, қуритилган масса эса қийинчилик билан майдаланади. Шунинг учун экстрактдан флавоноидларни кейинги йўл билан чўктириб олинди: экстракт доимий оғирликга эришгунча қуюлтирилди, ҳосил бўлган масса 3%-ли КОН нинг сувдаги эритмаси ёрдамида эритилди ва 5%-ли хлорид кислотасининг сувдаги эритмаси ёрдамида рН 5-7 бўлгунча нейтралланди. Сўнгра ҳосил бўлган чўкма ажратиб олинди ва дистилланган сув билан ювилди. Мазкур жараёнда асосий омил сифатида рН кўрсаткичи ҳисобланади ва у 5-7 оралиғида бўлиши лозим.

Фланорин олиш технологиясининг баёни. Тажриба натижалари асосида аччиқмия илдизларидан фланорин субстанциясини олишнинг саноат технологияси ишлаб чиқилди (1-расм).


Ҳавода қуритилган аччиқмия илдизлари болғачали тегирмонда (1) майдаланилади, торозида (2) 50,0 кг тортиб олинади ва юқори тирқишидан экстракторга (3) жойланади. Экстракторга (3) 300 л тозаланган сув қуйилади. Хона ҳароратида 6 соат давомида экстракция қилинади. Биринчи экстракт қуйиб олингач экстракторга 150 л янги сув қуйилади ва иккинчи экстракция биринчиси каби олиб борилади.

Дастлабки икки экстракцияга монанд яна икки марта сув билан экстракция жараёни амалга оширилади.

Сув билан экстракция жараёни тугатилгач экстрактор (3) ичида вакуум ҳосил қилинади. Сўнг экстрактор (3) сув буғи ёрдамида қиздирилади ва қолган сув ҳайдалади. Хом ашё 8% дан юқори бўлмаган намликгача қуритилади.

Тозаланган ва қуритилган хом ашё жойланган экстракторга (3) ўлчагичдан (4) 140 л 90%-ли этанол қуйилади. Флавоноидлар йиғиндиси 6 соат давомида экстракция қилинади. 100 л миқдоридаги биринчи этанолли экстракт филтр (7) орқали ўтказилиб йиғичга (8) солинади.

Экстракторга (3) ўлчагичдан (4) 100 л янги 90%-ли этанол қуйилади ва биринчисига монанд иккинчи экстракция амалга оширилади, сўнгра учинчи, тўртинчи ва бешинчи экстракциялар амалга оширилади. Натижада флавоноидлар йиғиндисининг 500 л филтрланган спиртли эритмаси олинади.



1 – болғачали тегирмон, 2 – торози, 3 – экстрактор, 4,10,15,17 – ўлчагичлар, 5 – теплообменник, 6,8,11,12 – йиғгичлар, 7, 18 – нутч-филтрлар, 9 – вакуум-буғлатиш жихози, 13 – ажратиш идиши, 14 – роторли буғлатгич, 16 – кристаллизатор, 19 – пичокли тегирмон, 20 – куриштиш шкафи.

1-расм. Фланорин субстанциясини олишнинг жихозли схемаси

Спиртли экстракт 20-25 литрдан қисмлаб вакуум - буғлатиш жихозига (9) узатилади. Ҳайдаш жараёни 60 °C ҳарорат ва 0,6-0,8 кгс/см² вакуум остида олиб борилади. 20 л миқдоридаги қуюлтирилган спиртли экстракт реакторга (13) қуйилади ва 15 л сув билан суюлтирилади. Сўнг сув-спиртли эритмадан флавоноидлар ўлчагичдан (10) 15 литрдан олинган хлороформ – изопропил спирти 1:1 аралашмаси ёрдамида олти марта экстракция қилинади. Флавоноидлар йиғиндисининг хлороформ – изопропил спиртли ажратмаси 4-6 литрдан қисмлаб роторли – буғлатиш жихозига (14) узатилади. Жараён қуюқ масса ҳосил бўлгунга қадар олиб борилади, сўнг масса ўлчагичдан (15) олинган 3% ишқор эритмасида эритилади. Флавоноидларнинг ишқорли

эритмаси кристаллизаторга (16) қуйилади ва унга ўлчагичдан (17) оз миқдордан хлорид кислотасининг сувли эритмаси рН 5-7 ҳосил бўлгунча қўшилади. Натижада флавоноидлар чўкмага тушади.

Чўкма нутч-фильтр (18) ёрдамида ажратиб олинади, сўнг 5 л тозаланган сув билан ювилади, бир кун давомида ҳавода қуритилади, пичокли тегирмонда (19) майдаланади, қуритиш шкафида (20) 50-60 °С ҳарорат остида қуритилади ва қадоқланади.

50,0% флавоноидлар йиғиндиси ва 0,8% лютеолин сақлаган фланорин субстанциясининг унуми хом ашё оғирлигига нисбатан 4,0% ташкил қилади.

Ўсиш давларида аччиқмия илдизлари таркибида флавоноидларнинг миқдорий ўзгариши ўрганиш натижасида, хом ашё октябрь – ноябрь ойларида тайёрлаш лозимлиги аниқланди.

Яратилган технология асосида фланорин ишлаб чиқаришнинг босқичма-босқич назорати олиб борилди, натижада сув билан экстракция жараёнида флавоноидларни йўқотилиши хом ашёда сақланишига нисбат 1,4% ёки хом ашё оғирлигига нисбатан 0,07% ташкил қилиши аниқланди. Бунда лютеолиннинг йўқотилиши бошқа флавоноидларга нисбатан юқори. Флавоноидлар йиғиндиси хом ашёда сақланишига нисбатан 80% дан юқори унумни ташкил этади.

Диссертациянинг **«*Ammothamnus Lehmannii* илдизларидан лемарин субстанциясини олиш технологиясини ишлаб чиқиш»** деб номланган учинчи бобида лемарин субстанциясининг технологиясини ишлаб чиқиш бўйича амалга оширилган тадқиқот натижалари муҳокама қилинган.


Лемарин субстанциясининг таъсир қилувчи моддаларини леманин, аммотамнидин ва лютеолин флавоноидлари ташкил этади. Лемарин жигарни химояловчи ва сафро ҳайдовчи восита сифатида таклиф этилган. Фармакологик изланишлар натижасида лемариннинг гелминтларга қарши таъсири ҳам мавжудлиги аниқланган.

Олиб борилган тажрибаларда фойдаланилган хом ашёда флавоноидлар йиғиндиси леманин стандартига ҳисобан – 3%ни ташкил этди.

Аччиқбўта илдизларидан флавоноидларнинг экстракцияси жараёни. Аччиқбўта илдизларидан флавоноидларни самарали ажратиб олиш учун хона ҳароратида 80% этанолда беш марта экстракция қилиш лозимлиги белгиланди. Бунда тиндириш вақти фазаларнинг биринчи таъсирида 6 соатни, иккинчи ва учинчи таъсирида – 4 соатни, тўртинчисида – 3 соатни ва бешинчисида – 2 соатни ташкил этди. Бешта экстракт қуйиб олинганда флавоноидларни унуми 96 % ни ташкил этди, бу эса экстракция жараёни учун етарли кўрсаткич ҳисобланади.

Экстрактни тозалаш. Аччиқбўта экстрактининг куб қолдиғидан флавоноидлар йиғиндисини самарали ажратиб олиш учун бутанол ёрдамида камида беш марта экстракция қилиш лозимлиги аниқланди (2-расм).

Флавоноидларни чўктириш. Қуюлтирилган бутанолли экстрактдан (техник лемарин) фланорин субстанциясида амалга оширилган усул билан флавоноидлар чўктириб олинди.



2-расм. Флавоноидларни ажратиб олиш динамикаси

Лемарин олиш технологиясининг баёни. Тажриба натижалари асосида аччиқбўта илдизларидан лемарин субстанциясини олишнинг саноат технологияси ишлаб чиқилди.

Ҳавода қурилган аччиқбўта илдизлари майдаланади, 50,0 кг тортиб олинади, экстракторга жойланади ва унинг устидан 200л 80% этанол қуйилади. Флавоноидлар йиғиндиси 6 соат давомида экстракция қилинади. 150 л миқдоридаги биринчи этанолли экстракт филтрланади. Экстракторга 150 л янги 80%-ли этанол қуйилади ва биринчисига монанд иккинчи, сўнггра учинчи, тўртинчи ва бешинчи экстракциялар амалга оширилади. Натижада 750 л спиртли экстракт олинади ва у 20-25 литрдан қисмлаб вакуум - буглатиш жиҳозига узатилади. Қуюлтирилган спиртли экстракт (50л) реакторга қуйилади ва 25 л тозаланган сув билан суюлтирилади. Флавоноидларни сув-спиртли эритмадан ҳар бирида 35 литрдан олти марта бутанол билан экстракция қилинади. Бутанолли экстракт (210 л) қуюқ масса ҳосил бўлгунча эритувчиси ҳайдалади ва ишқор эритмасида эритилади. Флавоноидларнинг ишқорли эритмаси кристаллизаторга қуйилади ва рН 5-7 ҳосил бўлгунча оз миқдордан хлорид кислотаси қўшиб нейтралланади. Натижада флавоноидлар чўкмага тушади ва у филтрланади, дистилланган сув билан ювилади, сўнг қурилади ҳамда майдаланади. Натижада 50,2% флавоноидлар йиғиндиси сақлаган 2,05 кг лемарин субстанцияси олинади.

Диссертациянинг «*Ferula varia* ер устки қисмидан цинарозид субстанциясини олиш технологиясини ишлаб чиқиш» деб номланган тўртинчи бобида цинарозид субстанциясини ишлаб чиқариш технологиясини яратиш бўйича амалга оширилган тадқиқот натижалари муҳокама қилинган.

Цинарозид (лютеолин-7-О-β-D-глюкопиранозид) гипозотемик дори воситаси сифатида қўлланилади.

Тажрибаларда қўлланилган хом ашёда цинарозид миқдори хом ашё оғирлигига нисбатан 1,3 % ташкил этди.

Цинарозидни экстракцияси жараёни. Шаир ўсимлигининг ер устки қисмидан цинарозидни самарали экстракцияси учун қуйидаги омиллар танлаб олинди: экстрагент – 80% этил спирти; хом ашё майдалик даражаси – 2-6 мм; жараённинг бориш ҳарорати – 20-40 °С.


Цинарозид экстракцияси жараёнини оптималлаш. Шаир ўсимлигининг ер устки қисмидан цинарозидни юқори унум билан ажратиб олиш талабларини аниқлаш мақсадида Бокс – Уилсон усулида оптималлаштириш амалга оширилди.

Тажрибаларнинг натижаларини статистик таҳлилидан сўнг қуйидаги регрессия тенгламаси ҳосил қилинди: $Y = 35,82 + 3,62X_1 + 3,87X_2 + 5,59X_3$.

Кохрен критерийси асосида регрессия коэффицентлари бирламчи эканлиги ($G_{\text{экс}} < G_{\text{кр}} : 0,2805 < 0,6798$) аниқланди ва Фишер критерийси бўйича модел адекватлиги ($F_{\text{экс}} < F_{\text{таб}} : 4,49 < 4,5$) исботланди.

Омиллар ўзининг таъсир кучи бўйича қуйидагича ўрин эгаллади: спирт концентрацияси > жараён вақти > экстракция ҳарорати > хом ашё майдалик даражаси. Биринчи фазалар таъсирида цинарозиднинг унуми 51,2% ташкил этди.

Цинарозид экстракциясининг динамикаси. 3-расмда келтирилган диаграммадан кўриниб турибдики, фазаларнинг биринчи таъсирида мувозанатга 6 соатда эришилади, фазаларнинг иккинчи ва учинчи таъсирида эса 4 соатда, тўртинчисидан – 3 соатда, бешинчи ва олтинчисидан – 2 соатда эришилади. Тўртинчи экстракт қуйиб олингандан сўнг унум 96,6 % ташкил қилди ва бу ҳолат экстракция жараёни учун қониқарли ҳисобланади. Шу сабабли беш марта экстракция қилиш таклиф этилди, қайсики бешинчи ажратма кейинги партия хом ашёни экстракциясини тўйинтириш учун йўналтирилади.



3-расм. Хом ашёдан цинарозид экстракциясининг динамикаси

Экстракция усулини танлаш. Олиб борилган тажриба натижалари асосида, аралаштирган ҳолда мацерация усулида экстракция қилинганда жараён учун сарфланган вақт қисқаради, бироқ жараённинг гидромодули деярли икки баробарга ортиши аниқланди. Бу эса мазкур усулда экстракция қилинганда эритувчининг сарфи ортишини белгилайди. Хом ашёни батарея

усулида экстракция қилинганда тиндириш усулидаги экстракцияга нисбатан жараённинг гидромодули ва экстракция вақти 3 мартага қисқариши кузатилади. Эритувчининг сарфи ҳамда ажратма олиш учун кетадиган вақтни ҳисобга олган ҳолда, цинарозид субстанциясини катта миқдорда ишлаб чиқарилганда батарея усулидан фойдаланиш таклиф этилди.

Техник цинарозид олиш. Лотин квадратларининг 3X3 туридаги режали оптималлаш ёрдамида техник цинарозидни самарали чўктириш шароитлари аниқланди, бунга кўра: спиртли экстракт 1/20 қисми қолгунча қуюлтирилади, сув билан суюлтирилади (куб қолдиқ : сув – 2:1), экстракцион бензин билан беш марта ишлов берилади ва 24 соат давомида хона ҳароратида чўктирилади.

Фармакопик цинарозид олиш. ВФС 42Уз-2895-2016 талабларига мос тушувчи фармакопик цинарозид олиш учун, фаоллаштирилган кўмир билан кўшимча тарзда ишлов берган ҳолда (техник цинарозид – кўмир 40:1) техник цинарозидни ацетон-сув (3:1) аралашмасидан қайта кристаллаш ва цинарозид сақлаган эритмани дастлабки хажмидан ярмигача қуюлтириб 8 соатдан кам бўлмаган муддатга тиндириш лозимлиги белгилаб олинди.

Цинарозид субстанциясини ишлаб чиқариш технологиясининг баёни. Тажриба натижалари асосида шаир ўсимлигининг ер устки қисмидан цинарозид субстанциясини олишнинг саноат технологияси ишлаб чиқилди (4-расм).



4-расм. Цинарозид субстанциясини олишнинг блокли схемаси

Ҳавода қуритилган ва майдаланган хом ашё беш марта 6-8 соатдан тиндириб экстракция қилинади. Филтрланиб сўнгра бирлаштирилган экстрактлар 70 °С ҳарорат остида қуюлтирилади. Қуюлтирилган экстракт (1,99% цинарозид сақлаган) ҳажмга нисбатан сув билан 2:1 нисбатда суюлтирилади ва беш марта экстракцион бензин билан ишлов берилади. Натижада техник цинарозид чўкмага тушади ва у филтрлаб олинади. Бир вақтнинг ўзида фаоллаштирилган кўмир кўшиб, техник цинарозид (90,2% цинарозид сақлаган) ацетон – сув 3:1 аралашмасида қиздирган ҳолда эритилади. Цинарозид сақлаган эритма филтрланади, ярми қолгунча қуюлтирилади ва 8 соатга қолдирилади. Ҳосил бўлган чўкма ажратиб олинади ва 70 °С ҳарорат остида қуритилади. Натижада тозалиги 98,5% бўлган цинарозид субстанцияси хом ашёда сақланишига нисбатан 75,8% (хом ашё оғирлигига нисбатан 0,98%) унум билан олинади.

Бошқа хом ашё турларини ўрганиш. Яратилган технология асосида *Ferula varia* ер устки қисмидан хом ашё оғирлигига нисбатан – 1,25 %, *F. foetida*

уруғларидан – 0,34 %, *F. varia* гунчаларидан – 0,10 % цинарозид олинди.

Писталитау, Кульджуктау, Тамдитау ва Алимтау тоғли худудларида ўсувчи шаир ўсимлигининг ер устки қисми намуналарини ўрганиш натижасида, ўсиш жойларига қараб ўсимлик таркибидаги цинарозид миқдори 1,2% дан 2,3% гача ўзгариши аниқланди. Кульджуктау тоғларида ўсувчи шаир ўсимлигининг ер устки қисми цинарозидга бой хом ашё деб топилди.

Ўсимлик хом ашёсини ўсиш даврларида цинарозид миқдорини ўзгариши ўрганилганда, гуллаш давридаги шаир ўсимлигининг ер устки қисмида цинарозид миқдори энг кўп бўлиши белгиланди.

Диссертациянинг **«*Ferula tenuisecta* илдизларидан ферулен субстанциясини олиш технологиясини такомиллаштириш ва сесквитерпен спиртларининг мураккаб эфирлари асосида озуқага қўшимчалар яратиш»** деб номланган бешинчи бобида қисқартирилган ва ферулен субстанцияси унуми ошишига эришилган технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда сесквитерпен спиртларининг мураккаб эфирлари (ССМЭ) асосида паррандаларнинг тухум қўйишини тезлаштирувчи янги озуқага қўшимчаларини яратишга қаратилган тадқиқотлар натижалари муҳокама қилинган.

Ферулен субстанцияси *Ferula tenuisecta* ўсимлигининг илдизларидан олинган ССМЭ йиғиндисидан иборат, асосий компоненти сифатида ферутинин, ферутин ва тенуферидиндан ташкил этади. Ферулен антипростатик таъсирга эга ва тестестерон секрециясини пасайтиради.

Ферулен субстанциясини ишлаб чиқаришнинг мавжуд технологиясини босқичларидаги афзалликлари ва камчиликларининг муҳокамаси. Ферулен субстанциясини ишлаб чиқаришнинг мавжуд технологияси қуйидаги босқичлардан иборат: ҳавода қуритилган шашир илдизлари 6 соатдан тиндириб уч марта 96% этил спиртида экстракция қилинади. Спиртли экстракт қуюлтирилади, сув билан 1:1 нисбатда (ҳажм бўйича) суюлтирилади ва этилацетатда экстракция қилинади. Этилацетатли ажратма соданинг 5% сувли эритмасида тўққиз марта ишлов берилади. Тозаланган эритмадан мураккаб эфирлар йиғиндиси 1% КОН эритмасида 6-7 марта экстракция қилинади. Ишқорли ажратма сульфат кислотаси ёрдамида нордонлаштирилади ва мураккаб эфирлар йиғиндиси этилацетатда ажратиб олинади. Этилацетатли эритма қуюлтирилади. Куб қолдиқ силикагелли колонкадан этилацетат-гексан 1:3 аралашмаси ёрдамида хроматографик усулда тозаланади. Элюат қуюлтирилади ва лойқалангунга қадар гексан қўшган ҳолда кристалланади. Кристаллар ажратилади, қуритилади ва қадоқланади. Тайёр маҳсулотнинг унуми хом ашё оғирлигига нисбатан 2,2 % ва ССМЭ сақланиши 90,2% ташкил этади.

Мавжуд технологияни афзалликлари ва камчиликларининг муҳокамаси учун ферулен ишлаб чиқариш технологияси босқичларида ССМЭ миқдорий ўзгаришини келтиришни лозим деб топилди (5-жадвал).

5-жадвалдан кўришиб турибдики, ўсимлик хом ашёсини экстракциясида ССМЭни унуми 94,6 % ташкил қилган, бу ҳолат экстракция жараёни учун қониқарли ҳисобланади. Шунинг учун янги технология ишлаб чиқишда бу жараён ўзгартирилмади.

**Ферулен ишлаб чиқаришнинг мавжуд технологияси босқичларида
ССМЭни миқдорий ўзгариши**

№	Хом ашё, ярим маҳсулот, чиқиндилар ва тайёр маҳсулотларнинг номлари	Умумий оғирлик, кг	ССМЭ оғирлиги, кг	Хом ашёда сақланишига нисбатан ССМЭ унуми, %
1	Шашир илдизлари	50,0	3,0	100,0
2	Спиртли экстракт, бундан: экстрактив моддалар	484,5 11,4	2,838	94,6
3	Шрот	52,1	0,162	5,4
4	Этилацетатли эритма, бундан: экстрактив моддалар	31,1 6,1	2,724	90,8
5	Этилацетат билан экстракциядан сўнг қолдиқ эритма, бундан: экстрактив моддалар	18,3 5,3	0,114	3,8
6	Содали ажратма, бундан: экстрактив моддалар	102,9 2,4	0,456	15,2
7	Ишқорий ажратма нордонлаштири- либ сўнг этилацетатда экстракция қилингандан кейинги қолдиқ эритма, бундан: экстрактив моддалар	106,36 3,4	0,112	3,7
8	1% КОН билан экстракциядан кейинги этилацетатли эритма бундан: экстрактив моддалар	14,2 0,3	0,439	14,6
9	Техник ферулен	2,5	1,717	57,2
10	Ишлатилган силикагельдаги моддалар	0,65	0,296	9,8
11	Кристаллизациядан кейинги қолдиқ эритма	0,75	0,429	14,3
12	Ферулен субстанцияси	1,1	0,992	33,0

Ўсимлик хом ашёсини экстракция қилишда хом ашё оғирлигига нисбатан 22,8% (11,4 кг) экстрактив моддалар ажралиб чиқиши 5-жадвалда намоён бўлмоқда. Куб қолдиқдан ССМЭни этилацетат билан ажратиб олинганда қолдиқ эритмада экстрактив моддалар унуми хом ашё оғирлигига нисбатан 10,6% (5,3 кг), ССМЭни йўқотилиши хом ашёда сақланишига нисбатан 3,8% ташкил этмоқда. Юқоридаги маълумотлар шундан далолат бermoқдаки, мазкур экстрактни ишлов беришдаги жараёнда ССМЭни кам йўқотган ҳолда 45% дан юқори ёт моддалар олиб ташланмоқда. Шундай қилиб ССМЭни этилацетат билан экстракция қилиш мавжуд технологиянинг яна бир афзаллигидир.

Na_2CO_3 ёки K_2CO_3 сувли эритмаси билан ишлов беришда ССМЭларни кўп миқдорда йўқотилиши мавжуд технологиянинг биринчи камчилигидир. 5-жадвалдан кўринмоқдаки, жараёнда ёт моддалар билан биргаликда хом ашёда сақланишига нисбатан 15,2% ССМЭ ажралиб чиқади.

Технологиянинг кейинги босқичида суюқ-суюқ усулида NaOH ёки KOH эритмаси билан ССМЭни экстракция қилинади. Тозаланган этилацетатли эритмада қолган фенол гидроксиди мавжуд ССМЭ ишқор билан ишлов

берилганда сувда эрувчи фенолятларни ҳосил қилади ва ишқорий эритма билан ажралиб чиқади, нейтрал хусусиятли ёт моддалар этилацетатли эритмада қолади. Бироқ хом ашёда сақланишига нисбатан 14,6% ССМЭ этилацетатли эритмада қолади (5-жадвал).

Хроматографик усул ёрдамида силикагелда тозалашда ССМЭ йўқотилиши хом ашёда сақланишига нисбатан 10,0% гача ва кристаллизация жараёнида 14,0% дан юқорилиги 5-жадвалдаги натижалардан кўриниб турибди.

Яна бир кейинги камчиликлардан бири, қимматбаҳо гексан эритувчисини ишлатилишидир.

Мавжуд технологиясини афзалликлари ва камчиликларининг муҳокамаси натижалари ва шашир илдизининг кимёвий таркиби бўйича адабиётлардаги маълумотларни ўрганиб чиқиб, қайсики ССМЭдан ташқари углеводлар, кумаринлар, органик кислоталар ва бошқаларни сақлашини инобатга олиб, ферулен субстанциясини ишлаб чиқариш технологик босқичларининг қуйидаги схемаси белгилаб олинди: ўсимлик хом ашёсини 96% этил спиртида экстракция қилиш, экстрактни қуюлтириш, хажмий муносабатда сув билан 1:1 нисбатда суюлтириш, куб қолдиқдан ССМЭ этилацетат билан 2 марта экстракция қилиш, этилацетатли экстрактни қуюлтириш, хроматографик усулда тозалаш, элюатни қуюлтириш ва қуриштириш.

Феруленни хроматографик усулда тозалаш. Мавжуд технологияда хроматографик усулда тозалаш жараёнигача ССМЭ органик кислоталардан тозаланган бўлади. Шунинг учун колонкага солинаётган массадаги ёт моддаларнинг миқдори таклиф этилаётган усулга нисбатан анча кам. Шу сабабли ССМЭни максимал ажратиш ва ёт моддаларни минимал эритувчи самарали элюент танлаб олиш янада қийин вазифа ҳисобланади. Бу вазифани бажариш учун тажрибаларни самарали элюент танлаш бўйича олиб бордилди (6-жадвал).

6-жадвал

Феруленни хроматографик усулда тозалаш учун элюент танлаш

Эритувчилар аралашмаси, хажмга нисбатан		Хом ашё оғирлигига нисбатан унум, %		Куруқ элюатда ССМЭ сақланиши, %
		куруқ элюат	ССМЭ	
Ацетон – бензин	1:3	6,8	5,20	76,5
	1:4	6,2	5,06	81,6
	1:5	5,1	4,19	82,2
Этилацетат – бензин	1:3	8,7	5,23	60,2
	1:4	8,0	5,11	63,9
	1:5	7,3	4,84	66,4
Метанол – бензин	1:3	9,8	5,34	54,5
	1:4	9,1	5,26	57,8
	1:5	8,4	5,14	61,2

